

ЖУЖУЖ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
21 январь

03 (15)

Чоршанба

МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари ҳамда Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, давлат божхона кўмитаси ва Прокуратура ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» фармони билан мамлакат мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари, ҳарбий ва хизмат бурчини бажаришда, жамиятда ҳуқуқ-тартибот ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда кўрсатган фидоқорлиги ва мардлиги, шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун қуйидаги бир гуруҳ прокуратура ходимлари ҳам Ватанимизга юсак мукофотлари билан мукофотландилар:

2-даражали «Шон-шараф» ордени билан

- Муҳаммедов Рустам, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг кафедра мудири.
- Худойқулов Усмон Чинозович, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари.

«Жасорат» медали билан

- Азарян Валерий Аветисович, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари,
- Улжаева Юлдуз Насриддиновна, Бухоро вилоят Коровулбозор тумани прокурори.

- Тешоев Тошўлат, Самарқанд вилоят Булунгур тумани прокурорининг ёрдомчиси.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан

- Назаров Обрўй, Қашқадарё вилоят Касби тумани прокуратураси терговчиси.
- Ядвиршис Надежда Константиновна, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бўлим прокурори.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг кафедра мудири

- Ҳақимов Эгамбердига **Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист** фахрий унвони берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1998 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАГИ ҲАРБИЙ ВА МАХСУС УНВОНЛАР БЕРИШ Тўғрисидаги ФАРМОНИГА МУВОФИҚ

Қуйидаги прокуратура ходимларига 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси унвонлари берилди:

Ҳақимбой Аширович Ҳалимовга - Қорақалпоғистон республикаси прокурори

Қобилжон Қирғизалиевга - Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори.

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳар прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Уни шаҳар прокурори М.Наимов очиб, пойтахт прокуратурасининг 1997 йилги фаолиятининг асосий яқунлари ва унинг олдида турган навбатдаги вазифаларга тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаров «Тошкент шаҳар прокуратураси идоралари 1997 йил мобайнида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш борасида олиб борган фаолиятлари тўғрисида» маъруза қилди. Музокараларда А.Икромов, Чилонзор, С.Раҳимов ва Яққасарой туман прокурорлари сўзга чиқдилар.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (Маъруза баёни газетамизнинг навбатдаги сонида берилган).

15 январь куни Тошкент вилоят прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Орипжон Ҳолматов маъруза қилди. Маърузада пайтахт вилоят прокуратурасининг 1997 йилги фаолиятининг асосий яқунлари, хулоса ва режалар ҳоқида сўз борди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, прокурорлик назорати борасида бир қатор самараларга эришилгани, аynи пайтда ечимини кутаётган муаммолар, туман, шаҳар прокурорлари эътиборини қаратиши лозим бўлган масалалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Музокараларда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У.Иномзонов, Бекобод шаҳар прокурори А.Абдуразақов, Чирчик шаҳар прокурори Д.Ашуралиев, Бўстанлик туман прокурори П.Назаровлар сўзга чиқдилар.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВ КЕНГАШИДА

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг мувофиқлаштирув кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда Республика прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари, қорхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисни Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳ.Ҳалимов бошқарди. Кун тартибида йўл-транспорт ҳодисаларига оид жиноятларнинг олдини олиш ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш масалалари кўрилди.

ЧОРШАНБАДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг минг йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко расмий ташриф билан Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Ҳурматли меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қабул қилди.

Валерий Пустовойтенконинг юртимизга амалий ташрифи чоғида ҳар икки давлат - Украина ва Ўзбекистон ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ДЭУ Компаниялар гуруҳи раиси Ким У Жунгни қабул қилди. Қабул самимий вазиятда ўтди.

1998 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Пойтахтнинг Сирғали туманида Оила йили муносабати билан республика хотин-қизлар кўмитаси, «Олтин мерос», «Маҳалла» ҳамда ЭКОСАН жамғармалари ҳомийлигида республика миқёсида ўтказилаётган «Энг ибратли келин» танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасини кўшни Афғонистон билан боғловчи «Ҳайратон» кўприги яна очиб қўйилди. Бу кўприк кейинги пайтда кўшни давлатда юз берган ички тартибсизликлар туфайли ёпиб қўйилган эди. Эндиликда афғонистонликлар Марказий Осиё ва Европадаги бошқа давлатлар билан бемалол савдосотиқ алоқаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишди.

ЧОРШАНБАГАЧА

ОИЛАНИ
КИМ
БОШҚАРАДИ?
4-б.
Баъзи аёллар золарини...

ОДАМНИНГ ОЛАСИ...
Ёки ҳожи аянинг
кирдикорлари
7-б.

ПУЛ ВА ЎСМИР
Чўнтагидаги ортиқча пул ўсмирни...
6-б.

ЎЗМИ БИЛАН ЎЗАГА УЧМАС
8-б.
Таниқли хонанда
Ҳожиакбар ҲАМИДОВ
билан суҳбат.

